

**Немат-
нинг
қадри у
йўқолгандা-
гина били-
нади.**

Абу Райхон Беруний


1

август

Қонунчиликда қандай ўзгаришлар бўлади?




Маҳаллий экспортчиларга
хориждан маҳсулот олиб,
импорт қиласдан учинчи
давлатга тўғридан-тўғри со-
тишга руҳсат берилади.



Ер участкаларини хусусий
секторга мулк ҳуқуқи билан
бериш тартиби кучга киради.



Давлат бошқаруви орга-
нининг хизмат ав-
тотранспорт восита-
лари уларнинг раҳ-
барларига шахсан
бириклирилади.




Худудлардаги
нодавлат таълим
ташкитларининг
бинони ижара
олиши харажатла-
рининг бир қисми
қоплаб берилади.




Давлат харидлари соҳа-
сида ўтказиладиган тен-
дер натижаларини маж-
бурий тарзда очиқ эълон
қилиш йўлга кўйилади.



Циқиш туризми
бўйича айрим лицензия
талаблари жорий эти-
лади.




Хайдовчилик гу-
воҳномасини расмий-
лаштириш учун барча
хужжатларни ЯИДХП
орқали ҳам тақдим этиш
имконияти яратилади.




Ҳомиладор аёлларни комп-
лекс кузатиш бўйича ягона ти-
зим жорий этилади.



Аҳолининг жисмо-
ний тайёргарлик да-
ражасини баҳолаш
тизими жорий эти-
лади.




Давлат суд-экспертизаси
муассасаларининг фой-
даланимийдиган бино-
лари суд экспертилк
билиш шеруфланадиган
хусусий шерилкларга
ижара берилади.



12-11

Ishonch

Юрт тараққиётини йўлида бирлашайлик!

2021 йил
29 июль
пайшанба№ 96
(4536)

Бунёдкорлик

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН «Сангардак»

Бундан бир йил ав-
вал Денов ва Са-
риосиё туманлари
чегарасидаги «Нав-
рӯзда» ҳудудида
«Сангардак» сиҳат-
гоҳи қурилиши
бошланган эди.
Қисса вақт ичиди
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Феде-
рацияси маблағи
эвазига «Касаба
таъмир шўбъа» кор-
хонаси бунёдкор-
лари томонидан 50
ўринли янги замо-
навий бино қуриб
битказилди.

— Тоғ қиёфасига янада чи-
рой баҳш этган сиҳатгоҳ-
нинг 3 қаватли муҳташам биноси
29 ноңдан иборат бўлиб,
ҳар бир хонада барча шароит
муҳайё — дейди Ўзбекистон кас-
аба уюшмалари Федерацияси-
нинг Сурхондарё вилояти кен-
гashi раиси Абдукарим Аҳмаде-
дов. — Айни пайтда «Сангардак»
сиҳатгоҳида қурилиш ишлари
давом этимада. Курувчилар 8
қаватни 200 ўринли сиҳатгоҳ-
нинг биноси қурилишини
аллақачон бошлаб юборишган.
Айни вақтда бинонинг 1-қа-




вати пойdevori ва темир-бетон ишлари тугалланни, чиқиш зинапоялари қўйиляпти. Маз-
кур бинонинг орка томонида 200 ўринли ошхона, даволаш биноси ҳамда усти ёпиқ бас-
сейнлар ҳам бундэ этилмоқда.
Уларнинг темир-бетон ишлари туталланмокда.

— Давлатимиз раҳбарининг ташабуси билан қад ростлаган «Сангардак» сиҳатгоҳи биз сур-
хондарёларига учун Мустақиллигимизнинг 30 йиллик тўйига муносиб совға бўлди, — дейди
сариосиёлик педагог Аҳмаджон

Бобоев. — Насиб этса, «Наврӯз» умумхалқ байрамида сиҳатгоҳнинг қолган қисми ҳам тўлиқ
фойдаланиша топширилади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»



Ўтган
или Олий
Мажлис Ко-
нунчилик
палатасида «Мил-
лий тикланиш»
партияси фракцияси ташабуси билан таълим тизимида «Тарбия» дарслигини жорий этиш ва ушбу фан бўйича малақали, етук мутахассислар тайёрлаш масаласи кўтирилган эди. Ташабус мъақуллангач, тез орада дарслик яратилди ва янги фан умумтъалим мактабларида ўқитила бошланди...

Бу яхши, албатта. Аммо кўпчиликни

қийнаётган бошқа бир савол бор: ўзи «Тарбия» дарсини мактаблarda кимлар ўтпали?

Мутахассисларни ёки «малака» оширган ўқитувчilar?

Албатта, «малака» оширган ўқитувчilar. Сабаби янги фан бўйича ихтисослашган педагоглар ҳали тайёрланмаган.

Соҳага маъстуб шахсларнинг вайзаси ва режасига кўра, 2021 йилдан бошлаб олий таълимда «Тарбия» фани бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган эди.

Амалда-чи, нима бўлди? Хеч нарса! Чунки бу йил қабул бўлмади. Демак, мутахассислар тайёрлаш камиди бир йилга кечикиди...

«Ishonch» кўзгуси

«ТАРБИЯ» муаллимга муҳтоҷ(ми?)

Назаримизда, Ҳалқ таълими ҳамда Олий таълим вазирlikлари мутасаддилари бу масалага «етти ўлчаб...» тамоили асосида ёндашган кўринади...

Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда соҳа мутасаддилари «тизимда ундоқ бўляпти, соҳада бундоқ бўлди...», деявермасдан жамият учун «Ё ҳаёт, ё мамот...» масаласига бир эътиборларни қарарти.

Зоро, таълим ва тарбия, инчунин, «Тарбия» масаласида йўқотилган вақт жуда кимматга тушиши мумкин.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

қисса рақамли «Ишонч телефони»,
яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида, олис ва чекка
қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар
ўз муаммолари бўйича исталган вақтда
мурожаат қилишлари мумкин.



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев
рашидига 28 июль куни ноги-
ронлиги бўлган, ота-она қаро-
могидан маҳрум ва етим бола-
ларни давлат томонидан кўл-
лаб-куватлашни кенгайтириш
ҳамда ижтимоий нафақаларни
такомиллаштириш масалалари
бўйича видеоселектор йиғи-
лиши ўтказилди.

«Соғлиқни сақлаш соҳа-
сида ихтисослаштирилган тиб-
бий ёрдам кўрсатиш тизимини
янада такомиллаштириш чо-
ра-тадбирлари тўғрисида»ги
Президент қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазири Абдула-
зиз Комилов Латвия Республи-
каси ташқи ишлар вазири Эдгарс
Ринкевичс билан видеомулоқот
шаклида учрашув ўтказди.

28 июль куни Тожикистон
пойтахти Душанбе шаҳрида
Шанхай ҳамкорлик ташкилотига
аъзо давлатлари мудофаа вазир-
ларининг навбатдаги йиғилиши
бўлиб ўтди.

Сайловнинг расмий логотипи
ташкилот.

«Туси ўзгаририлган (қо-
райтирилган) ойнали автотран-
спорт воситаларидан фойдала-
ниш тартибини такомиллашти-
риш бўйича кўшимча чо-
ра-тадбирлар тўғрисида»ги Ху-
кумат қарори қабул қилинди.

Пойтахтимизда Омбудсман-
нинг 2021 йилдаги асосий фао-
лият йўналишларни белгилаш
бўйича Олий Маҳқисининг Инсон
хуқуqlari бўйича вакили (омбuds-
man) хузуридаги Инсоннинг
конституцияни хуқуqlari ва
эркинликларига риоя этилиши
бўйича комиссия йиғилиши бў-
либ ўтди.

Жиззоз вилояти соглиқни
сақлаш бошқармаси томонидан
коронавирус инфекцияси билан
боглиқ тиббий масалалар бўйича
зарур тажрибага эта бўлган тиб-
бий мутахассислар жалб қилинган
ҳолда «Call-марказ» қай-
тадан ишга туширилди.

Ташқи меҳнат миграцияси
агентлигининг Андижон ва Наманган
вилояти филиалари томонидан
Россия Федерацияси Свердловск
вилоятига ишлаш учун юборилган юртошлари
мизнинг яшаш ва иш шароитла-
ри, муаммоларни ўрганиш мақ-
садида «ПУСК» ташкилотининг
қурилиш майдонида учрашув
ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси-
нинг Новосибирск шаҳридаги
Бош консулонаси, Ташқи меҳнат
миграцияси агентлигининг вако-
латхонаси ва мазкур шаҳардаги
фаол ватандошлар билан ҳам-
корликада Искитим шаҳридаги
бетон заводида меҳнат қила-
ётган фуқароларимиз билан
очиқ мулоқот ўтказилди.

2021 йил 27 июнь санасидаги
мавзумотларга кўра, ижтимоий
коронавируса қарши 1 миллион
дан ошар милиондан ошар
120 минг нафардан ортиқ
киши тўлиқ эмланди.

Сурхондарё вилояти ҳокими
Тўра Боболов Муработ тумани-
даги «Наврӯз» маҳалласидаги
шерилкларга берилишни
ташкил сайдер қабул ўтказди.

